



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 19-noyabr, seshanba № 139 (3332)

2013 йил — Обод турмуш йили



Нукус автомобил йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ёшларни амалиётга йўналтириш, иш билан таъминлаш мақсадида соҳага тегишли корхона ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.


Коллеж ва корхона ҳамкорлиги

Коллежда 1 минг 970 нафар йигит-қиз автомобилларга техник хизмат кўрсатиш механиги, транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш техниги, автомобил йўллари, транспорт ва сунъий иншоотлар, кўприклар-қуриш техниги, кўтарма транспортлар, йўл қурилиши машина ва меха-

низмларни ишлаши ва таъмирлаш техниги каби йўналишлар бўйича касб-хунар эгалламоқда. Замонавий ўқув анжомлари, компьютер ва зарур дастгоҳлар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари, ўстахоналар, ахборот-ресурс маркази ёшлар хизматида.

Суратда: (ўртада) кимё фани ўқитувчиси Ширин Топилова ўқувчилар Рамуза Султенова, Ойжамол Утенова ва Сапарбой Даръабоев билан машгулот пайтида; ўқувчи Ислам Кенгесбоев.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар



Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси

«Сайхун» — ноёб боғ

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида экожурналистикани ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга оид лойиҳа доирасида Сирдарё вилоятидаги «Сайхун» табиат боғига медиа-тур ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий-экологик ислохотлар жараёнида табиатнинг ноёб ҳудудларини асл ҳолича асраш ва келгуси авлодларга етказиш, биологик хилма-хилликни муҳофазалаш, табиатга антропоген таъсирларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида бу йўналишда амалга оширилётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда сув, ҳаво, тупроқ мусофалигини таъминлаш, табиий захираларни асраш ва кўпайтириш, табиатни муҳофазалашга оид лойиҳаларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга қаратилган доимий эътибор туфайли экологик мувозанатни яхшилаш ва муҳофазат этиладиган ҳудудларни кўпайтиришга эришилмоқда.

Сирдарё ҳавзаси бўйида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазаси бўйича давлат қўмитасининг Давлат бионазорат инспекциясига қарашли «Сайхун» табиат боғи ана шундай ноёб масканлардан биридир. Илгари ушбу табиий ҳудуд қаровсиз, ташландиқ жой бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилдаги тегишли қарори асосида бу ерда табиат боғи ташкил этилди ва муҳофазат этиладиган ҳудуд мақоми берилди. Қарий тўрт юз гектар майдонни эгаллаган «Сайхун» табиат боғида қисқа муддатда экотизимлар барқарорлигини асраш, ноёб флора ва фауна турларини кўпайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилди.

Бугун мазкур ҳудудда юздан зиёд ўсимлик, қирқдан зиёд ҳайвон турлари, жумладан, камайиб бораётган ёввойи қуён, ўрдақ, гўз, тўнғиз, бўрсиқ каби жониворлар парваришда. Табиат боғи таркибидаги бир эг ўттиз гектардан зиёд қўлда ноёб балиқ турларини кўпайтириш учун қўлай табиий шароит яратилган. Ҳудуддаги ноёб тур жонзотларини кўпайтириш ва муҳофазалашда жамоат тузилмалари ҳам ақидан кўмак бермоқда. Масалан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан табиат боғига қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилма ўрнатилди. Балиқ турларини кўпайтириш ва уларни муҳофазалаш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сирдарё бўйида жойлашган, ноёб тўқай ландшафти ҳамда бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот оламига эга мазкур боғ экотуризмни ривожлантириш учун қўлай маскандир. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Сирдарё вилояти бўлими мажбуриятдан фойдаланиб, «Сайхун» табиат боғига туш ҳудудда, дарё қирғоқлари бўйида ўн етти гектар ташландиқ майдонни ўзлаштириб, экотуризм масканини ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Олим Бегиевнинг айтишича, 2013 йилда бу йўналишда беш мингдан кўпроқ сайёҳга хизмат кўрсатилган.

Табиатимизнинг ана шундай ўзига хос ҳудудларини асл ҳолича асраш ва келгуси авлодларга етказишда экологик лойиҳаларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ёшларнинг экологик дунёқарашини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Экоҳаракатнинг минтақавий бўлими мутахассислари «Сайхун» табиат боғи эколог-инспекторлари билан ҳамкорликда бу борда таълим масканлари ва аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Медиа-турда журналистлар табиат боғида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазалаш, экотуризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилётган ишлар билан танишдилар.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири



«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими томонидан бир қатор тадбирлар уюштирилди.

БИРГАЛИҚДА КУЧЛИМИЗ

«Биргалиқда кучлимиз — ҳамжихатликда қурашайлик!» шиори остидаги тадбирларда «Диабетга ўрин йўқ!» мавзусида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, Урганч шаҳридаги 26-маҳаллада ўтказилган давра суҳбатидида шифокорлар қандли диабет касаллиги, келиб чиқиш сабаблари, муолажалар ҳақида батафсил тўхтадилар. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Жамғарма вилоят бўлими томонидан маҳаллада истикомат қилувчи қандли диабет касаллигига чалинган фуқароларга 15 донга изотоник витаминлар тўплами тарқатилди.

Жамғарма томонидан Урганч тумани табиёт биорезерви эндокринология бўлимида ташкил қилинган мулоқот ҳам қизгин тўлиқ бўлиб ўтди. Бўлимда рўйхатда турган 12 нафар болакайга жамғарма совғалари топширилди. Эндокринологлар ассоциацияси вилоят бўлимига тўхта қилинган изотоник витамин тўпламлари ва 500 донга инсулин учун шприцлар ҳам қандли диабет билан хасталанганларга шифо улашишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими директори Наргиза Шарипова.

Мухаббат ТЎРАБОВА, «Ishonch» мухбири

АНДИЖОН

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Андижон, Наманган, Фарғона ва Термиз аэропортлари орқали халқаро парвозларни амалга оширишга имконият яратилди.

ХАЛҚАРО МАҚОМ БЕРИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Андижон аэропорти» шу давлат унитар корхонаси шу муносабат билан чегара ва боғхона хизмати, санитария-ветеринария назорати, ўтиш пунктларида виза таъминоти учун махсус хоналар, алоқа воситалари билан таъминланди. Ҳозирда аэропортда учинчи йўлни таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ў.МУХБИРИМИЗ

ЖИЗЗАХ

Жиззахда хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар сони 56 тага етди. Бунинг натижасида экспорт ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

ЎЗБЕК ГИЛАМЛАРИ ХОРИЖГА

Жумладан, «Евроазия карпет» қўшма корхонасида йилга 2 млн. кв. метрдан ортиқ гилам ва гилам маҳсулотлари, 1200 тонна полипропилен иш шилаб чиқарилмоқда. Модернизация туфайли сўнгги уч йилда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш икки баробарга ўсди. Германия, Белгия технологиялари асосида гилам, Франция технологияси асосида полипропилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Эътиборли жиҳати, ҳар хил ўлчамдаги 15 турдаги гилам ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёнинг улуши 55 фоизга етди. Жорий йилнинг ўтган даврида 11 млрд. 324 млн. сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, шундан 1 млн. АҚШ долларлик маҳсулот хорижага экспорт қилинди.

Бундан саккиз йил аввал тўрт киши билан иш бошлаган корхонада бугунга келиб 120 та иш ўрни яратилди. Ишчиларнинг 30 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда.

Ў.МУХБИРИМИЗ

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Савобга йўғрилган умр

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига келадиган мактублар мазмунан турлича бўлиб, улар орасида миннатдорчиликка йўғрилган ҳам талайгина. Шундай мактублардан бирини ўқиймиз.

Майрам Эркаева, «Жиззахпластмасса» ОАЖ ишчиси: «Кўп йиллардан буён шу корхонада қуёвчи-иши бўлиб ишлайман. Бяхтис ҳодиса туфайли ўнг қўлимни пресс-форма қисиб қўлиб, тўртта бармоғим синганди. Тиббий хулосага кўра, иккинчи гуруҳ ногиронлиги беришди. Маъмурий турли баҳоналар билан товон пули беришни пайсалга солди. Вилоят касба уюшма таш-

килотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Абдурауф Сангилов аризамни ўрганиб, ижобий ҳал этди. Касба уюшмалари аралашуvidан сўнг 2 миллион 200 минг сўмлик товон пули қўлимга теғди.

Қонуний ҳақ-хуқуқимизни ҳимоялашда жонбозлик кўрсатган жамоат ташкилоти фидойиларидан миннатдорман. Шу мактуб сабаб вилоят КУТБК меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири Абдурауф Сангилов фаолиятига қизқидим...

...Қўлимда бежирим муқовал китобча — Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири «Меҳнатни муҳофазаси бўлими» қилиш бўйича услубий қўллан-

ма»си. Кундалик иш фаолият жараёнида зарур бўлган тавсияларга бой бу китобча вилоятдаги ҳар бир бошланғич касба уюшма ташкилоти етакчиси иш толидан жой олган.

— Мен бу китобчадан кўп нарса оламан, — дейди «SANZAR-LADA» масъулияти чекланган жамият бошланғич касба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўлими вакили Камол Азимов. — Ундаги тавсиялар кундалик фаолиятимизда жуда асқотапти...

Ушбу қўлланма вилоятдаги барча меҳнат жамоаларидаги меҳнат муҳофазаси мутасаддилари билан бирга иш берувчиларга ҳам зарур қўлланма бўлиб хизмат қилаётгани қувончли. (Давоми 2-3-саҳифаларда).

Касба уюшма ҳаёти

Миллат эртасига эътибор

Миллат келажиги, мамлакат равнақи ёшлар камолига, уларга берилган таълим-тарбияга бевосита дахлдир. Шу боис ҳам, юртимизда таълим соҳаси ходимларининг меҳнати муносиб қадр топишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борда касба уюшмалари фаолияти алоҳида аҳамият касб этаётди. Жумладан, 116 та бошланғич ташкилот ва 9237 нафар аъзони бирлаштириб, уларнинг иқтисодий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келадиган Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Ғузор туман кенгаши томонидан ибратли ишлар амалга оширилляпти. Бу ҳақда туман кенгаши раиси Эшпарда Нийёзов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Обод турмуш йилида асосий эътиборни Федерация Кенгашининг мажлисларида белгилаб олинган касба уюшмалари фаолиятининг ўс-тувур йўналишларини амалга оширишга қаратмоқдамиз. Иш берувчилар ва касба уюшма қўмиталари ўртасидаги яқин ҳамкорлик натижасида таълим муассасаларида соғлом ишчанлик муҳити яратилди. 35 та таълим муассасасида намунали таянч бошланғич касба уюшма қўмиталари ташкил этилиб, уларга амалий, назарий, методик ёрдамлар кўрсатиб берилди. Ҳозирда 25 та таълим муассасасида касба уюшма ташкилоти учун алоҳида хоналар ажратилишига эришилди.

Кучли бошланғичларни шакллантириш етакчидан ишчанлик ва билимдонликни талаб этади. Шунинг учун турли мавзуда ўқув-семинарлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон касба уюшмалари фаолияти ва тузилмасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қабул қилинган қарорлар моҳиятини фаоллаштиришга атрафлиқа етказиш мақсадида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ўқув-тренинги ва туман кенгашининг меҳнат қонунчилигини ўрганиш юзасидан ўқув ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Энг намунали бошланғич ташкилот

Касба уюшма ташкилотларида иқтисодий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ташкилий ва маданий-маърифий ишларни яхшилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишда «Энг намунали бошланғич ташкилот» куриктанловининг тармоқлар ўртасида ўтказилаётган республика босқичи муҳим аҳамият касб этапти. Жумладан, танловнинг Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган республика босқичи ҳам юқори савияда ўтди.



Самарали фаолият мукофоти

Ҳудудларда голибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар фаолиятини намоён этган кўрғазма тадбир қатнашчилари учун ўзига хос намуна вазиқасини ўтади. Касба уюшмалари иш жараёни, жамоа шартномалари ижросига оид ҳужжатлар, амалга оширилган турли тадбирлар акс этган фотолар билан бошланғичлар фаолиятининг кўлами кенглигидан дарак бериб турибди.

Тадбирнинг асосий қисмида тармоқ ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Равшан Бедилов кўрик-танловнинг касба уюшма ташкилотлари фаолиятида тутган ўрни, тизимдаги ислохотлар жараёни, тармоқ касба уюшмаларининг ўтган даврга амалга оширган ишлари ҳақида атрафлиқа тўхталиб ўтди. (Давоми 2-саҳифада).

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шундан сўнг намунали бошланғич ташкилотлар раислари иш тажрибаларини слайдлар орқали атрофлардан таништирдилар. Айниқса, Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей касабаси уюшма кўмитаси вакиллари...

Нихоят, танлов ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра, 1-ўринга Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей касабаси уюшма кўмитаси лойиҳа топилди. 2-ўринга Шахрисабз педагогика коллежи ҳамда Ангрэн шаҳар компютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи бошланғич ташкилотлари муносиб кўрилди.

Шажноза Шарипова, Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей касабаси уюшма кўмитаси раиси: — Лицейимизда 1003 нафар касабаси уюшма аъзоси бўлиб, 115 нафарини ходим, 888 нафарини ўқувчилар ташкил этди.

Ходимлар ижтимоий ҳимояси ҳамда касабаси уюшма диққат марказида. Жорий йил давомидида ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог-ҳодимларнинг 34 нафарига маъмурият ва касабаси уюшма ташкилоти томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Турли байрам тадбирлари жамоада кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик билан ташкил этилди.

Муассасамизда ўтган вақтда ходим ва ўқувчилар ўртасида 70



Самарали фаолият мукофоти

дан ортиқ турли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этилди. Қувонарлиси, ўқувчиларимиз вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган олимпиада ва танловларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб қилишапти.

Ёшлар тарбияси — ўта нозик ва масъулиятли иш. Ўқувчиларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этиш, иқтидорини юзага чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Лицейимизда 200 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи мавжуд. Бу ерда тез-тез учрашув ва тадбирлар ўтказилади.

Хар йили лицейнинг иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчи ва ходимлари республикамизнинг турли тарихий жойларига саёҳатга олиб борилади. Касабаси уюшма кўмитасининг аъзолари учун саёҳатлар ташкил этиш режаси тузилган бўлиб, жорий йилда Термиз, Шахрисабз ва Бухородаги қатор қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди.

Фарҳод Исмоилов, Ангрэн шаҳар компютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи касабаси уюшма кўмитаси раиси:

— Коллежимизда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Хар бир ўқувчи ўз фани бўйича ўқув-услубий, меъёрий ҳужжатлар мажмуасига эга. Маскан вилоятдаги АКТ тайёрлов йўналиши бўйича илмий-услубий марказ ҳисобланади. Малакали ўқувчилар томонидан кўплаб электрон, мультимедиа ишланма ва қўлланмалар яратилмоқда. Коллеж физика, математика, дастурлаш, чизмачилик фанлари бўйича катта тажриба ва салоҳиятга эга.

Ушбу жараёнда касабаси уюшма кўмитасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ўтказилиши касабаси уюшмалари фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш ҳамда етакчилар масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Абдурашид Ашуров, Шахрисабз педагогика коллежи касабаси уюшма ташкилоти раиси: — Коллеж маъмурияти билан касабаси уюшма кўмитаси ўртасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси педагог-ҳодим ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Жумладан, унга ўқувчиларни корхона, ташкилот ва муассасаларнинг малакали мутахассисларига бириктириш тадбирлари киритилиб, бажарилиши назоратга олинган.

Амалий эътибор берилган 15 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридида моддий ёрдам кўрсатилди. Аъзолар орасида меҳнат интизомини ички меҳнат тартиби қоидалари орқали мустаҳкамлашиб, меҳнат интизомига риоя этилиши, меҳнат вазиёларининг вақтида ва сифатли бажарилиши назоратга олинган. Жорий йилнинг 1-ярмида ходимлардан келиб тушган 14 та озғак, 6 та ёзма мурожаат қайд қилиниб, барчаси ижобий ҳал этилди.

Хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитларини яратиш, лобаратория, амалий машгулот ва компютер хоналаридида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари қайд этилиб, унинг ижроси назоратга олинган. Маълумки, «Обод турмуш йили» дастуридаги устувор йўналишлардан бири битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳамкорлик шартномаларини тузишга қаратилган.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири. Икром ХАСАНОВ олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Барча бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари тузилиб, кенгаши қошидаги экспертиза комиссияси томонидан тегишли тартибда экспертиза қилинди. Шу орқали ходимлар қўшимча имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланишмоқда. Бажарилган ишлар ҳақида иш берувчи ва касабаси уюшма ташкилотининг ҳисоботлари эшитилиб, муҳокама қилиб борила-япти.

Туман кенгашининг Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавий тарғибот маркази, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида жорий йилда 4 та қўшма қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилди.

Ходимларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, ариза ва шикоятларини ўрганиб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Туман кенгашига йилнинг олти ойида касабаси уюшмаси аъзоларидан тушган 28 та ёзма, 12 та озғак мурожаат ўрганиб чиқилди. Вазифасидан ноқонуний бўшатилганлиги боис 4 нафар шикоятчи ишга тикланди.

Ноконуний равишда тўсиқча учраган 8 нафар ходимга бола тарбиясидан кейин ишга чиқишда кўмак берилди. Бошқа мавзулардаги мурожаатлар ҳам вақтида кўриб чиқилиб, ишловчиларнинг қонуний талаби қондирилди.

57 нафар касабаси уюшма аъзосига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламадаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти ҳақида ходимлар, айниқса, ёш мутахассисларга атрофлича тушунтириш берилди.

Туман кенгаши қошидаги Ёшлар кенгаши томонидан таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёшлар муаммолари бўйича 5 та ариза ўрганилиб, қонун доирасида ҳал этилди. Барча таълим муассасаларида байрамлар муносабати билан фахрийлар иштирокида турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

Халқор болаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан яқна тартибда уйда ўқитиладиган ногирон болалар ўртасида расмлар кўрик-танловидида иштирок этган 25 нафар ўғил-қизга китоблар тақдим

Жамоа шартномаси — амалда

Томчи судда тол кўқарар, дейди доно халқимиз. Корхонамизда 245 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма бошқаруви билан касабаси уюшма кўмитаси баҳамжиҳат иш олиб боради.

Сув келтирган элда азиз!

Вилоят учун сув манбаи асосан Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро канали ҳисобланади. Оби-ҳаёт ҳудуд чегарасига виллоятлараро аҳамиятга эга бўлган сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан етказиб берилади. Виллоят ички қарисидида сув Кармана-Конимех, Тошрабат-Ўртачўл, Миёнкон-Тос ва Нарпай-Навоий ирригация тизими бошқармалари орқали 57 та истеъмолчи уюшмага ва уллар орқали бевосита фермер хўжалиқларига етказиб берилади.

Истеъмолчиларни кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида жойларда кенг қўламадаги таъмирлаш ишлари олиб бориладими. Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчилар меҳнат шaroитларини яхшилаш, барча ҳолатларда аъзолар манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга доир бандлар киритилган. Мавжуд 10 та участка сув иншоотларидаги 28 та уйда ишчилар оилавий меҳнат қилишади. Мазкур бинолар ён-

атрофидаги ер майдонлари ободонлаштирилиб, турли полиз экинлари парваришланапти. Оилаларни моддий кўллаб-қувватлаш, аъзолар саломатлигини тиклашда ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ишчилар соғлигини назоратдан ўтказиш ҳамда даволлаш ишларида 6 628,7 минг сўм сарфланган бўлса, шундан 1.273,4 минг сўм касабаси уюшмалари маблағини ташкил этади.

Аъзоларимизга мева-сабзавот ва полиз экинлари бепул тарқатилади. Бир сўз билан айтганда, соҳа ходимлари ва улларнинг оила аъзоларига қайсидир жиҳатдан ёрдамимиз тегаётганидан хурсандимиз. Иш юритувимизда Агроранот мажмуи ходимлари касабаси уюшма туман кенгашининг ёрдами алоҳида сезилиб туради.

А. ХОТАМОВ, Кармана-Конимех ирригация тизими бошқармаси касабаси уюшма кўмитаси раиси

«Спорт — саломатлик гарови» шиори остида ўтказилган мусобақаларда мактаб, касб-хунар таълими муассасаларидан 30000 дан зиёд ходим қатнашди. 34-умумтаълим мактабидида оилавий спорт мусобақаси ташкил этилиб, унда йигирмага яқин спортсевар оилалар мусобақалашди.

Сўнги йилларда касабаси уюшмалари туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, юртимизнинг турли шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Жорий йилда 100 нафар кам таъминланган ходим қадимий ва навқирон шаҳарларимизни зиёрат қилиб қайтишди.

Ходимлар ва улларнинг фарзандларини соғлигини тиклаш мақсадида 73 нафар ишловчи турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан таъминланди. Ёзги мавсумда 165 нафар ўғил-қиз дам олдирилиб, йўлланмаларнинг 100 фоиз қиймати иш берувчилар ҳисобидан тўлаб берилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури

Тармоқ касабаси уюшма ташкилотлари томонидан барча ўқув масканларида «Маънавий соатлари» ўтказиб бориладими.

«Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича республика кўрик-танловининг туман босқичида 250 нафар ходим иштирок этди. Ғолибларга эсдалик совғалари ва фахрий ёриқлар топширилди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ва тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида мактабга ва мактабдан ташқари таълим муассасалари хотин-қизлари ўртасида «Аёллар спорт фестивали» ўтказилди. Унда 280 нафар хотин-қиз шашка, шахмат, енгил атлетика, арқон тартиш, волейбол бўйича куч синашди.

Шунингдек, «Обод турмуш йили» дастури тадбирлари ижросига бағишланган

асосида кам таъминланган 98 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 35 нафар коллеж битирувчиси энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, ишга жойлашган 12 нафар ёшга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридида касабаси уюшмаси маблағи ҳисобидан бир мартали моддий ёрдам берилди. Фарзандлари 2-ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 15 нафар ёш онага моддий кўмак ажратилди.

Кейинги вақтда касабаси уюшмалари тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси уллароқ, касабаси уюшмаларига меҳнатқашар ишончи тобора ортиб бораёптир. Жумладан, ҳар йили бошланғич ташкилотлар ўртасида ташкил этилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ўтказиш аънаёнага айланган. Танловда туман кенгаши тасарруфидида бошлан-

ғич ташкилотлар ҳам фаол иштирок этишди. Натижага кўра, 47-умумтаълим мактаби касабаси уюшма кўмитаси 1-ўрини, 21- мактабга таълим муассасаси ҳамда 52-умумтаълим мактаби касабаси уюшма ташкилотлари 2- ва 3-ўринларни эгаллашди ва танловнинг виллоят босқичида муваффақиятли иштирок этишди.

Хозирга қадар 35 та бошланғич ташкилотга Устав талаблари асосида ҳужжатларни расмийлаштириш, УзКУФК томонидан чиқарилган Низом ва йўриқномалар ҳақида тушунчалар берилди. Икки марта касабаси уюшма фаолларининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ўқув ташкил этилди. «Бошланғич ташкилотлар учун иш фаолиятига доир услубий қўлланма» тайёрланиб, туман кенгаши тасарруфидида 116 та бошланғич ташкилотга тарқатилди. Уларнинг иш фаолияти ўрганиб борилади ва яхши натижага эришаётган 45 нафар етакчи рағбатлантирилди.

Акмал АБДИЕВ ёзиб олди



Сурхондарё виллоятининг Жарқўрғон туманидаги «Марказий Сурхон» маҳалласида «Ўзбекнегро» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Савдоэнегро» акциядорлик жамияти томонидан барпо этилган «Charog'on tekstil» трикотаж фабрикаси фойдаланишга топширилди.

Суратда: ишчи Дилноза Дониёрова. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Нуроталиқлар жорий йилини кўп жабҳада ўзига хос ютуқ ва тўхталар билан яқунлашмоқда.

«Ғозгон» қишлоқ фўқорлар йигини ҳудудидида бирин-кетин ўз эгаларига топшириладиган 15 та замонавий уй-жойни ана шундай тўхталардан деса бўлади. Камолитдин Фахриддинов раҳбарлигидаги «Алмаслазуринтур» ҳамда «Идибобо» хусусий корхоналарининг моҳир усталари ишни сифатли бажариб, мижозлар олқисига сазовор бўляпти.

Энг яхши тўхфа

— Қатор йиллардан буён виллоят марказида фаолият юритиб келаман. Она қишлоқимда чиройли бир ховли қуриш истиғам бор эди. Бугун ўша орузимга эришиб турганимдан хурсандман, — дейди янги уйларнинг илк мезбонларидан бўлган Жасурбек Ашуров. — Наби Аҳмедов, Вали Сафоев каби уй соҳиблари шарт-шароитлардан миннатдор. Конституция байрамига-ча барча ҳамсоялар ўз уйларига кўчиб келишларини инобатга олиб, була кунга «Ховли тўйи»ни белгилашмиз.

М.АЛОВУДИНОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вилоят КУТБК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир Абдурауф Сангилов ушбу қўлланма устида астойдил ишлар экан, у аввало, кўп йиллик тажрибасига таянди, амалиётчи мутахассислардан маслаҳатлар олди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 1995 йилдан «меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими» мулкчилик шакли, хўжалик фаолияти соҳаси, идоравий дахлдорлигидан қатъи назар ёлланма меҳнат қўлланмадан ҳар бир корхонада фаолият юрита бошлади.

Бунинг натижасида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш янада такомиллашди. Бугун виллоят «вакил»лари республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб келишапти. «SANZARLADA»МҲЖ меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Камол Азимов кўрик-танловнинг республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, УзКУФКнинг диплом ва пул мукофотига сазовор бўлди.

Бу лавҳамиз қаҳрамони А.Сангиловнинг ташкилий иш фаолиятиндан бир шингил ҳолос...

ди. Бажарилган ишлар юзасидан аризачилар албатта хабардор қилинади.

Шуниси эътиборлики, сўнги йилларда аризачиларнинг манфаатини кўлаб, касабаси уюшма органи томонидан судларда даъво иши қўзғатиш бирмунча ортди. Утган даврда иш вақтида жабрланган тўққиз нафар хо-

димнинг қонуний ҳуқуқлари суд орқали тикланиб, улларга ўттиз миллион сўмдан ортиқроқ тоvon пули иш берувчилардан ундириб берилди. Шу ўринда бир мисол. Фўқаро Нигора Рўзйқулова судда даъво қўзғатиб, Жиззах Давлат ўрмон хўжалигидан ногиронлиқни меҳнат вази-фарларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисоблаш ва йўқотилган иш ҳақи (товон пули), бирийўла тўланадиган нафақа, моддий ва маънавий зарарини ундириб беришни сўраган. Судда виллоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси

бўлим мудир мутахассис сифатида даъвогарнинг бахтсиз ҳодисага учраши иш вақтидан сўнг автоҳалокат натижасида содир этилгани, унинг шаҳар боғларини қуриши ва назорат қилиши ҳақида иш берувчи томонидан буйруқ чиқарилгани, Н-1 шаклидаги форма ҳам тўлдирилганлигини баён

дими. Шунингдек, «Обод турмуш йили» дастуридаги устувор йўналишлардан бири битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳамкорлик шартномаларини тузишга қаратилган.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири. Икром ХАСАНОВ олган суратлар

дими. Шунингдек, «Обод турмуш йили» дастуридаги устувор йўналишлардан бири битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳамкорлик шартномаларини тузишга қаратилган.

дими. Шунингдек, «Обод турмуш йили» дастуридаги устувор йўналишлардан бири битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳамкорлик шартномаларини тузишга қаратилган.

Савобга

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан «Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори илмий даражасини бериш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар: таҳриба ва амалиёт» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Илмий даража бериш талаби

Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизда умумқабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилгани таъкидланди. Уни амалиётга қўлашда тизимли равишда қатор ишлар амалга ошириб келинаётгани, жумладан, «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, тасдиқлангани айтиб ўтилди.

Шунингдек, фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари ва малакавий имтиҳонларни ўтказиш йўлига қўйилгани, фан доктори илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тўзлиб, улардан 31 таси етакчи олий таълим, 9 таси эса илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида ўз фаолиятини бошлагани ҳақида маълумот берилди.

— ОАК томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси жараёнининг барча босқичларида ягона ёндашувни таъминлаш юзасидан зарур бўлган барча амалий чоралар кўрилмоқда, — деди Олий аттестация комиссияси (ОАК) расиси Ғайрат Баҳодиров. — Хусусан, жорий йилда аттестация жараёнини амалга оширишда ОАК Низомилари талабларига қатъий риоя этиш, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолиятини изчил йўлга қўйиш, талабгорлар учун ихтисослик фанлари бўйича малакавий имтиҳонларни юқори савияда ташкиллаштиришга бағишлаб амалий семинарлар ўтказилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори хусусий секторда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган ниятда муҳим ҳужжат бўлди.

Экспорт қўллаб-қувватланади

Айни пайтда иқтисодий тармақнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 469 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. 21,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, товар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга оширилди.

ТИФ «Миллий банк» ҳузурида ташкил этилган «Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» эса бу жараёнда хусусий сектор учун мустаҳкам «кўпирк» вазифасини ўташи белгилаб қўйилди. Жамғарма марказий ижро органи, шунингдек, унинг ҳудудий филиаллари замонавий компютер, зарур алоқа ва техника воситалари билан таъминланиб, малакали мутахассислар ишга жалб этилди.

Маълумки, савдо-сотик масалалари бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт бўлиш маҳсулотларининг потенциал имкониятларини аниқлаш, уларни ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга ошириш бозор иқтисодиётининг асосий талаби ҳисобланади. Жамғарма бу масалага алоҳида эътибор қаратяпти. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ талаб этиладиган тегишли лицензиялар, рухсатнома ва сертификатлар олиш ҳамда бошқа масалаларда тадбиркорларга юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиляпти.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ва жамғарма томонидан экспорт салоҳиятини оширишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Транспорт ва Логистика — Trans Uzbekistan 2013» 10-, «Автомобиллар, бутловчи қисмлар, сервис ускуналари — Auto&Parts Uzbekistan 2013» 9-, «Йўл қурилиши ва коммунал техника UzComak 2013» 5-Ўзбек халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Транспортда юк ташиш, автосервис ва йўл қурилиши масалалари уйғунлиги кўргазмалари ўзаро бирлаштирган асосий жиҳат сифатида кўзга ташланди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Сизнинг адвокатингиз

Суд тартибиде ишга тикланди



Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига гурланлик Хушнудбек Солаев ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан ўзи эгаллаб турган туман маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимидан ноқонуний равишда бўшатилганлиги тўғрисида мурожаат қилди. Маълум бўлишича, у Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди ҳамда Ички меҳнат тартиби қондалари талабларига биноан ишдан озод этилган. Шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасининг ҳайъати йиғилиш қарори, Гурлан туман прокуратурасининг тақдимномаси ва Х.Солаевнинг тушунтириш беришдан бош тортганлиги ҳақидаги далолатнома асос қилиб олинган.

Х.Солаев 2011 йил 11 августдан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келган. Бироқ у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда МКнинг қатор талаблари бузилишига йўл қўйилган. Аввало, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабига зид равишда чиқарилган. Яъни интизомий жазо бевоқифа ҳолатда қўйилган ва қўйилгандан кейин, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олманган ҳолда, узоғи билан бир ой ичиде эмас, мuddати ўтиб кетганидан кейин ноқонуний равишда қўйилган.

Бундан ташқари, МКнинг 102-моддаси 5-қисмида меҳнат шартномаси ходим айби хатти-ҳаракатлар содир этганига муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (100-модда иккинчи қисмининг 3- ва 4-бандлари), иш берувчи ходимнинг меҳнатга оид муносабатларининг бекор қилиниши тўғрисида қамда уч кун олдин хабардор қилиши ёки унга шунга мунособат компенсация тўлаши кўрсатилган. Бироқ Х.Солаев билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонуннинг ушбу талабига ҳам риоя қилинмаган. Шунингдек,

шартномани бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаган ва Ички меҳнат тартиб қондаларининг 2.30-банди талаблари бузилган.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши иш берувчи томонидан Х.Солаев билан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат Кодексининг қатор моддалари ва Ички меҳнат тартиб қондаларининг 2.30-банди талаблари бузилган дея ҳисоблади, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, фуқарони илгари эгаллаб келган лавозимига ишга тиклашни ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраб вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига тақдимнома киритди. Бироқ касаба уюшмалари тақдимномаси қондирилмаган, ҳуқуқшунослар фуқаронинг талабларини суд тартибиде қаноатлантирилишини таъминлашди.

Х.НУРУЛЛАЕВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири



САВОЛ: Ўриндошлик асосида ишловчи ходимларга меҳнат таътилга чиққанида таътил пуллари тўланмай-дими? М.УСМОНОВ, Хатирчи тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида Низоми»нинг 2-бандига кўра, асосий иш жойи сифатида иш берувчи томонидан ходимнинг меҳнат дафтари юртиладиган ташкилот, ўриндошлик асосидаги иш деб эса ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари буш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши тушунади.

Ушбу Низомининг 16-бандида ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек, ўриндошлар ҳақи бўлган қўшимча таътиллари асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишлаган вақтга пропорционал ҳақ тўланади.

Биринчи иш йилида олти ой ишлаган ўриндошларнинг меҳнат таътилга, шунингдек, ишнинг кейинги йиллари учун меҳнат таътилга ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда оdatдаги тартибда ҳақ тўланади.

Бундан ташқари, Низомининг 19-бандига асосан соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.

САВОЛ: Фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийтган ота-она шартнома пулини иш ҳақидан ойма-ой ўтказиб бериш орқали тўлаши мумкинми? Агар мумкин бўлса, шартнома учун тўланган пулдан даромад солиғи ушланадими? Р.АБДУНАЗАРОВ, Косон тумани

ЖАВОБ: Ота-она олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийтган фарзандининг шартнома тўловини иш ҳақидан ойма-ой ўтказиб бериши мумкин. Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига асосан 2012 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртида таълим олиш учун йўналтирилган суммаларидан солиқ олинмайди. Ўзининг ёки фарзандининг ўқини учун тўланганда солиқ чегирмаси таълим олувчига, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлганга қадар тўлов амалга оширилган бўлса, таълим олувчининг ота-онасига берилади. Шунинг учун талабнинг таълим олиши учун тўлов амалга оширилганда вассийлар ёки ота-онасидан ташқари бошқа қариндошлар бу имтиёздан фойдалана олмайди-лар.

САВОЛ: Фарзандимнинг ўқини бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан бошқасига кўчириши қачон амалга ошириши мумкин? М.АБДУКАРИМОВ, Данғара тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомининг 3-бандида ўқувчиларнинг ўқини бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан бошқасига кўчириш, шунингдек, илгари ўқидан четлаштирилган ўқувчиларни ўқини қайта тиклаш, қоидага кўра, ёзги таътил даврида, тегишли курс(семестр)да ўқув машғулотлари бошлангич қадар амалга оширилиши, ушбу Низомининг 6-бандига асосан бир минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) доирасида ўқувчилар ўқини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги бир ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасидан Таснифлагичнинг бир билим соҳаси ичидеги бошқа таълим муассасасига кўчириш ўрта махсус, касб-хунар таълими тегишли ҳудудий бошқармасининг рухсати билан амалга оширилиши белгиланган.

Саволларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юристконсулти Д.МУҲАММЕДАЛИЕВА жавоб берди

на жабранувчига тоvon ва нафақа пулларини тўлаши кераклигини, чуқки, даввогар корхона раҳбарининг оғзаки топширини бажариш асносида бахтсиз ҳодиса юз берганлигини, жабранувчи воқеа содир бўлганда ариза бермаган тақдирда ҳам иш берувчи Н-1 шакли формани тўлдиришга мажбурлиги-

деб топилди, унинг фойдасига Жиззах Давлат ўрмон хўжалигидан 513996 сўм бирийўла тўланадиган нафақа, 2169079 сўм тоvon пули, 553505 сўм дори-дармон ва қўшимча харажатлар учун ҳамда 100000 сўм маънавий зарар ундириб берилди. Бўлим томонидан корхона ва ташкилот раҳбарларига

тўлаб борилиши, ўзгалар парваришига муҳтожлиги учун унга қаровчи шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг элик фоизи миқдориде нафақа тўлаши тушунтирилди. Бахтсиз ҳодисада жабранланган Д.Бурхонов мурожаат қилиб, «Ботир НК» хусусий корхонасида меҳнат қобилиятини 75 фоиз (ТМЭК хуло-

тарсиз бўлади, — дейди А.Сангилов. — Галдаги муҳим вазифаларимиз — иш ўринларини муқаррар тартибде аттестациядан ўтказиш, меҳнат шариоити ҳолатини паспортлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар сонини зарур бўлган даражага етказишдан иборат. ...Ўзининг қирқ йиллик

Йўғрилган умр

ни, ишга келаётганда ёки ишдан қайтаётганда ходимнинг шикастланишига иш берувчининг иш жойида белгиланган иш соатлари таъсири йўқлиги, шунингдек, ҳуқуқимизнинг 1994 йил 11 майдаги қарорининг 7-илосави «г» бандига кўра, ишга бораётганда ёки ишдан қайтаётганда олинган ногиронлик меҳнатдан майибланиш туфайли содир бўлган деб ҳисобланишини баён қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди ҳал қилув қарори билан даввогар Н.Рўзиқулованинг бахтсиз ҳодисага учраганлиги меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган

бахтсиз ҳодиса туфайли жабранувчиларга тоvon пули ва нафақаларни ҳисоблашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жиззах кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси раҳбари Х.Сангилов мурожаат қилиб, Сайхон АБК ишчиси А.Очиловга ТМЭК хулоасига кўра, 1-гурух ногиронлиги белгилангани учун унга тоvon пули ва нафақа тайинлашда ёрдам сўрайди. Жабранувчига корхона ҳисобидан ойига 87130 сўм нафақа тўланаши, унинг соғлиғи тўла тикланганига қадар барча сарф-харажатлар

сасига кўра) йўқотганини, тоvon пули тўғри тўланмаётганини баён қилади. Касаба уюшмаси аралашувидан сўнг жабранувчига ҳар ойда қонуний тоvon пули тўлаб берилмаган бўлди. Жиззах туманидан ўқитувчи М.Ҳабибуллаева, янгиободлик Н.Бойжигитов, А.Шукурова, Т.Ҳасанова, Д.Бўронова қабиларнинг меҳнат муҳофазаси, бахтсиз ҳодиса туфайли тўланадиган нафақа, тоvon пули ҳақидаги мурожаатлари ҳам бўлим томонидан ўрганилиб ўз вақтида ҳал этилди. — Касаба уюшмалари қанчалик қудратли бўлса, иш ўринлари ҳам шунча хавф-ха-

умрини инсонлар меҳнатини муҳофаза қилишдек машаққатли, шу билан бирга, шарафли вазифага бағишлаган Абдурауф Сангилов босиб ўтган ҳаёт йўлидан мамнун. У ҳар бир касаба уюшма аъзосининг мурожаатини ўз ташвиши сифатида қабул қилиб, унга қонуний мадад беришга интилади... Ана, касаба уюшмасига меҳнат муҳофазаси бўйича яна бир мурожаат келди. Инсонга наф келтиришни олий саодат деб билган А.Сангилов яна сафарга отланади... Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Аукцион савдолари хабарномаси

«KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади. 2013 йил 20 декабр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар «SEKOND UNIVERSAL QURILISH SERVIS» шўба корхонаси тугатувчисининг 18.11.2013 йилдаги 38-сонли бюортмасига асосан қуйидаги мулклар иҳар бири алоҳида LOT тартибиде қўйилмоқда.

Table with 2 columns: LOT № and Description. It lists various items for auction such as 'Stol pod televizor', 'Stabilizator napr. jelektiva CH 315', 'Tumbа ofitsnaya', etc., with columns for lot number, description, quantity, and price.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюортманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қуллари (байрам ва дам олиш қулларидан ташқари) 19.12.2013 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Аукцион савдоси голибига 10 кунлик мuddат ичиде олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати олди-сотди шартномасига таътилдан белгиланади. Закалат тўлови учун реквизитлар: «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, ҳ/р: 2020800005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар мињақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувини иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Бюортманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). Тел: 8 (371) 233-21-18, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Санъат ва дўстлик байрами

Тошкентдаги «Истиқлол» саройида «Айтишув — 2013» халқаро оқинлар танлови бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 15 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази, Республика қозоқ миллий маданият маркази томонидан Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, маданият ва санъат намояндalари, бахши-оқинлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

элатларнинг тарихи, маданияти, ибратли аъёналарини тарғиб этиш, жамиятимиздаги бағрикенглик, меҳр-оқибат, ўзаро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Айтишув — 2013» халқаро оқинлар танловининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Зеро, Бош Қомусимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

— Жонажон Ўзбекистонимизда барча миллат ва элат вакиллари сингари қозоқ миллатига мансуб фуқароларнинг ҳам эмин-эркин яшashi, таълим олиши, ўзи қизиққан соҳалар буйича касб-хунар эгаллаши, самонатлигини мустаҳкамлаши, бир сўз билан айтганда, истиқлол берган неъматлардан баҳ-


раманд бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди Республика қозоқ миллий маданият маркази раҳбари М.Укубоев. — «Айтишув — 2013» халқаро оқинлар танловининг ўтказилиши бунинг амалдаги ёрқин далилидир.

Айтишувда ўзбекистонлик бахши ва оқинлар билан бирга Қозоғистон ҳамда Хитойдан келган фольклор санъати вакиллари ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Айтишув жўшқин ва завқли ижро тури бўлиб, тингловчига кўтаринкилик бағишлаши билан ажралиб туради. Бунда ижрочидан хонандалик, созандалик маҳорати билан бирга ҳозиржа-воблик, топқирлик, ўткир зехн ҳам талаб этилади.

«Айтишув — 2013» халқаро оқинлар танловида бош соврин — «Некх» автомобибли ўзбекистонлик оқин Қулмахан Дуйсеновага насиб этди. Қозоғистонлик оқин Бекарис Шойбеков биринчи ўринга сазовор бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Б.Жекембаев ва бошқалар ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари истиқлол йилларида янги босқичга кўтарилганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро келишувлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан бирга, маданий-маъ-

рифий йўналишларда ҳам изчил раванг топаётди. Ортимиз расом ва хунармандлари, қатор театр жамоалари Қозоғистонда бўлиб ўтаётган турли халқаро кўргазма ва кўрик-танловлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Айни пайтда Қозоғистон санъаткорлари Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиси.

Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган мамлакатимизда қозоқ миллатига мансуб фуқароларнинг тили, маданияти, аъёна ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароит

ва имкониятлар яратилган. Республика Байналмилал маданият маркази мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакиллари тили, маданияти, урф-одат ва аъёналарини ривожлантириш, жамиятимиздаги ўзаро тотувлик, ҳамжихатлик, баррикенглик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Марказ томонидан ўтказилаётган дўстлик фестиваллари, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ягона ва ахил оилада», «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзудаги кўрик-танловлар, илмий-маърифий анжуманлар, бадийий, фото-кўргазмалар юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва

Кўчма кўргазма

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги 88 та музейда сақланган ноб, ноидр экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан ёш авлод оғида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланилмоқда.

Жаннатмакон диёрим

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни музейларимиздаги бебаҳо ва бетакорр экспонатлар билан таништириш, уларда ажодлар меросидан баҳраманд бўлиш ҳамда мунаққилликка энг буюк қадрият сифатида қараш кўникмаларини шакллантириш мақсадига ноябр ойида «Музейлар ойлиги» маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида қатор тадбирлар, кўчма кўргазмалар ташкил этилиб, уларга ёзувчи ва шоирлар, расом ва хунармандлар, халқ ҳаваскорлик жамоалари кенг жалб этилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли Ўзбекистон давлат табиат музейи Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Қуролли Кучлар давлат музейи ҳамкорлигида «Ўзбекистон — жаннатмакон диёрим» мавзуда кўчма кўргазма ташкил этилди. Қуролли Кучлар давлат музейида уюштирилган кўчма кўргазмада Ўзбекистон табиат музейида сақланган хайвонлар, қўшлар ва баликларнинг тулумлари, мамлакатимиз табиатига оид фотоколлекциялар намойиш этилди. Айниқса, йўрга тувалок, илонқўр балиқ, шарқий қорақуш, турна, сорнинг тулумлари худди ҳақиқийдек тасаввур уйғотиб, кишини беихтиёр ёввойи табиатга етаклайди. Паркент олмаси, узумзорлари, Ургут тоғлари, Зарафшон тизмаси бодомзорлари, Фарғона водийси ўрмонзорлари, Сангардак шаршараси каби кўпгина табиат муъжизалари акс этган фотолавлар таъриф буюрганлари ўзига жалб этди. Шунингдек, кўргазма давомида таъриф буюрганларга мутахассислар томонидан жаннатмаконд юртимизнинг бетакорр табиати, бой ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда уларни сақлаш, кўпайтириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Кўргазмада Республика рассомчилик коллежининг тарихий-театр либослари бўлими талабалари томонидан яратилган либослар, Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли концерт дастури намойиш этилди.

Дилфуза ҚАРШИБОВА,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот котиби

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорликда «Интиланган толе ёр» деб номланган тадбир ўтказди.

Мазкур тадбирда касб-хунар коллежларини имтиёзли диплом билан битирган ўн икки нафар ёш мутахассисга энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Бу ёшлар туманимиздаги МТМ ва умумтаълим мактабларида муваффақиятли ишламоқда. Уларни аниқлашда икки йилдан бери таълим муассасалари билан ҳамкорлик олиб бориляпти. Ушбу тадбирдан кўзланган яна бир мақсад ёш мутахассисларни касаба уюшмаси аъзолик афзалликлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси бора-бора олиб борилаётган ишлардан хабардор қилиш ҳамдир, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Дилнора Улмасова.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Диққат, ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

«Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бир мунча ортиб бориши ёнғин хавфининг кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябр кунидagi 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар Республика миқдoсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондидан ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини

мустаҳкамлаш буйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймики, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланаёсиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлашга бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юрtdошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Ахборот ресурс марказларида

Фарғона политехника институтини қошидаги академик лицейнинг ахборот ресурс маркази ҳамisha бўлар билан гапм. Бу ерда интернет тармоғи мавжудлиги, ўқув қўлланма, дарслик, турли адабиётларнинг етарли эканлиги китобхонлар учун ўзига хос қулайлик яратмоқда.

Китобга меҳр

Матлуба Тожибоева, Ойсара Раҳмонова, Арофат Обиджонов, Соҳиба Шохўжаева, Санобар Раҳмонова каби зийорлар ёшларга беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Ўқув машғулотлари тугаши билан лицей ўқувчилари АРМ томон ошиқишади. Кимдир қўшимча дарс тайёрлашга киришади, кимдир уй вазибаларини бажариш билан банд, яна бирови газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишади. Бошқа бир ўқувчи бадий адабиёт мутолаа қилиш билан машғул. Бундай тигиз вақтда кутубхоначиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Инглиз тилига жуда қизиқман. Марказимизда чет тиллардаги китоблар мавжудлиги биз учун айни мудоао бўлди, — дейди лицейнинг хорижий филология йўналиши ўқувчиси Сирожиддин Каримов.

Ахборот ресурс маркази қошида ўқув масканининг ташаббускор ва фаол ўқувчиларидан иборат «Ёш ижодкорлар» клуби бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Клуб аъзолари дарсдан бўш вақтларида турли тадбир, семинарлар уюштиришади. Шу тариқа фаол ёшлар янги китоблар, қўлланмаларни ўқишга интилиб, навбатдаги тадбир учун мунозара бошлайдилар.

— Клубимизда Президентимиз асарлари юзасидан турли семинарлар таъмин этиляпти. Бебаҳо асарларимизни ўрганиш, адабиётимиз намояндаларининг таваллуд қўлларини нишонлаш борасида ҳам адабий кечаларни ёш китобхонларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб ўтказмоқдалар, — дейди ахборот ресурс маркази раҳбари Санобархон Абдуллаева. — Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизда китобга меҳр ортмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
Марғилон шахри



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Пойтахтимиздаги М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент шаҳар филиали спорт залида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази аппарат ходимлари ўртасида мини-футбол ва шахмат буйича мусобақалар ўтказилди.



Анъанага айланган тадбир

Мусобақада ҳар бир жамоадан 10 нафардан (2 нафар шахмат, 8 нафар мини-футбол буйича) ходим иштирок этди. Аёллар ўртасида шахмат буйича кечган қизиқарли баҳсда биринчи ўрин Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси ходими Д.Лутфуллаевага, иккинчи ўрин Марказий кенгаш вакиласи Л.Туриқовага, учинчи ўрин Ўзбекистон Фанлар академияси ходимаси Ф.Ниязовага насиб этди. Эркаклар ўртасидаги беллашувада биринчи ўринга Ўзбекистон Фанлар академияси ходими Ч.Шердонаев, иккинчи ўринга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими К.Боязтов, учинчи ўринга Марказий кенгаш ходими А.Мамарасулов сазовор бўлди.

Мини-футбол буйича кечган мусобақалар кескин ва муросасиз ўтганлиги билан ёдда қолди. Яқунда шохсупанинг биринчи поғонасига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси, иккинчи ва учинчи поғоналарга эса Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари жамоалари кўтарилди.

Мусобақада фахрли ўринларни қўлга киритган жамоа ва иштирокчиларга Марказий кенгаш томонидан кўча кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Иккинчи ўринни олган жамоалар Халқ таълими, учинчи ўринни олган жамоалар Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари томонидан тақдирланди.

Шунингдек, турли номинациялар буйича голиб бўлган иштирокчиларга Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан совғалар тақдим этилди. Фаол иштирокчилар ҳам совғалардан бахтибор қолмади.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЭРКИН КУРАШ

Руслан — шохсупада

Эркин кураш буйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Руслан Плиев Владикавказ (Россия)да ўтказилган халқаро хотира турнирида зафар кучди.



66 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

Эслашиб ўтамиз, полвонимиз жорий йилда Деҳли (Ҳиндистон) шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам шохсупанинг биринчи поғонасига кўтарилган эди.

ТЕННИС

Кумуш медал бор



Ёш умидли теннисчимиз Албина Хабибулина Остона (Қозоғистон) шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда кумуш медални қўлга киритди.

ITF таснифига кирувчи мазкур мусобақада ҳамюртимиз ярим финал учрашувида турнирнинг етакчи иштирокчиларидан бири Алена Тарасовани 6:2, 4:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Хал қилувчи финал беллашувида корт эгаси — Камила Керимбоевага дуч келди. Бир ярим соат давом этган учрашувада Албина 6:1, 6:3 ҳисобида енгилди, халқаро турнирни иккинчи ўринда яқундаги ҳамда муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.
ISSN 2013-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haftanang seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Boshqacha topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.15
E-mail: ishonch2012@gmail.com
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajlov
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.